O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

2009 ЙИЛ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ!

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 6-dekabr • Shanba • 144-145 (27.950) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида белгиланган чора ва тадбирларни амалга ошириш учун шу кунга қадар барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд ҳомийлар маблағи сарфланганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бу борада бажарган ишларимизнинг кўлами ва миқёси яққол намоён бўлади».

ВАТАНИМИЗНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ — БИЗНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввалambор, сиз, азизларни ва сизлар орқали бутун халқимизни қутлуғ байрам — Конституция куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Шу кунларда биз мамлакатимизнинг Асосий қонуни бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Конституциямиз юртимизда демократик давлат қуриш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича энг муҳим тамойиллар, қоида ва меъёрларни ўзида мужассамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, биз Конституциямизни қабул қилиш билан ўз умрини ўтаб бўлган, мафкуралашган, мустабид маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бутунлай воз кечдик, мамлакатимизни ҳуқуқий-демократик ривожлантиришга қаратилган, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган янги стратегияни аниқ белгилаб олдик.

Асосий қонунимизнинг негизини ташкил этадиган қоида ва талаблар асосида мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ўзбек модели қабул қилинди. Бу моделнинг мазмун-моҳиятини ифода этадиган бешта асосий тамойил ҳозир ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Бугун, вақт ўтиши билан, ҳаётнинг ўзи, мамлакатимиз эришаётган юксак марралар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган, халқимизнинг орзу-умидлари, бугунги ва келажак манфаатларига жавоб берадиган қоида ва принципларнинг нақадар тўғри эканини исботламоқда, десам, ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг азму шижоати, фидокорона меҳнати билан кўлами ва чуқурлигига кўра ғоят улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Бунинг тасдиғини аввалambор мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барқарор суръатларида, аҳоли фаровонлигининг изчил ва мунтазам ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод бўлиб,. янгича қиёфа касб этаётганида, энг муҳими, юртимизда рўй бераётган демократик янгиланиш жараёнларида яққол кўриш мумкин.

Энг асосийси — одамларимизнинг руҳияти ва дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнатининг натижасига муносабати, жаҳонда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси тубдан ўзгармоқда. Уларнинг сиёсий фаоллиги, ўз фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаш туйғуси кучайиб бормоқда.

Халқимизнинг айнан ана шундай ўсиб бораётган ижтимоий фаоллиги, унинг сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурида юз бераётган чуқур ўзгаришлар юксалиб бориши билан мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича биз танлаган моделнинг мантиқий давоми юртимизни демократик янгилаш учун янги вазифаларни, фуқароларимизнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишни тақозо этмоқда.

Хусусан, бу мақсад-вазифаларни амалга ошириш йўлида давлатнинг ролини изчил равишда камайтириб бориш ва айни пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — **маҳалланинг фаолият кўлами ҳамда ваколатларини кенгайтириш,** аҳоли турли қатлам ва гуруҳларининг туб манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат, ноҳукумат тузилмалар ролини кучайтириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, ана шундай олижаноб мақсадларга эришиш йўлида ҳеч шубҳасиз, маҳалланинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини тушуниш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Бир вақтлар «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла», деган ибора бежиз пайдо бўлмаган ўзи.

Ўзингиз ўйланг, чуқурроқ қараганда, бугун сиёсий партиялар, нодавлат ва турли ижтимоий ҳаракат ва тузилмалар ҳақида гапирганда — айтинг, уларнинг **илдиз-томирлари маҳалла заминида ўсмайдими ўзи?**

Одам шулар ҳақида ўйлар экан, узоқ тарихимизда маҳалла, деган идоранинг ўзбек заминида пайдо бўлишида **ташаббускор, сабабчи бўлган аждод-авлодларимизга ҳар қанча таъзим қилса арзийди, албатта.**

Олдимизда турган мақсадларга эришишда, марказда ва жойларда давлат органларини шакллантиришда ана шундай тузилмаларнинг иштирокини янада кенгайтириш ва улар томонидан давлат бошқарув идоралари фаолияти устидан назоратнинг амалга оширилиши ўта муҳим ўрин тутади.

Лўнда қилиб айтганда, фуқаролик жамиятининг шакл-шамойилини жамиятимизнинг ранг-баранглигини тўлиқ ифода этадиган, ижтимоий-сиёсий, социал, маданий-маърифий ва профессионал ташкилот ва муассасаларни қамраб олган ҳамжамиятни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Унинг асосий мақсад-муддаоси, миллати, дини, ирқи ва жинси, эътиқоди ва қарашларидан қатъи назар шу давлатда яшаётган ҳар қайси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ва ҳаётда уларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Давлат органлари ва сиёсий, ижтимоий, фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамжиҳатлигига эришиш кўп жиҳатдан жамиятдаги турли ижтимоий келишмовчиликларнинг олдини олиш ҳамда мамлакатнинг изчил ва барқарор ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Ўйлайманки, буни исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

(Давоми 2-, 3-бетларда)

БЕТИМСОЛ ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллиги муносабати билан 5 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган давр мобайнида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислоҳотлар замирида аввало Конституциямизнинг қоида ва талаблари мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун эркин ва обод жамият қуриш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб берилган ҳуқуқий асосларга амал қилаётганимиз самарасидир.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий база янада мустаҳкамланди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган умуммиллий давлат дастурларининг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълим сифати ва самарадорлиги оширилди. 2008 йилда 184 замонавий лицей ва коллеж барпо этилди, 1 минг 875 мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида ёшларни иш билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. 2008 йилда мамлакатимиз бўйича 660 минг янги иш ўрни яратилди. Қишлоқларимизда истиқомат қилаётган йигит-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат дастурига мувофиқ минглаб ёш оилаларга истеъмол ва ипотека кредитлари берилди, 530 ёш оила уй-жойга эга бўлди.

Мамлакатимизда ҳар йилга муайян ном бериш хайрли анъанага айланган.

Шу анъанага мувофиқ Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги — 2009 йилни **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»** деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти билан якунланди.

(ЎзА).
Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎзА) олган сурат

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Халқимизнинг байрамлари ичида энг улуғ ва энг азизи, шубҳасиз, Мустақиллик байрамидир. Анъанага кўра ана шу улуғ байрам арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонлари билан эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланади.

Оқсарой қароргоҳида 5 декабрь куни Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топшириш маросими бўлди.

— Аввало, мана шу муҳташам залда тўпланиб турган сиз, азизларни Конституция куни билан табриклашдан, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдиришдан ҳурсанд эканимни изҳор этмоқчиман, — деди Президент Ислом Каримов. — Бугун биз Ватанимизнинг равнақ топиши, орзу-умидларимизни амалга ошириш, эл-юртимизни янада обод, ҳаётимизни фаровон қилиш йўлида ўзининг жонкуяр меҳнати ва фидоийлиги билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган сиз, азизларга давлатимизнинг муносиб мукофот ва унвонларини топшириш муносабати билан мана шу ҳашаматли залда тўпландик.

Барчангиз яхши хабардорсиз, мамлакатимиз охирги даврда, айниқса, оғир келган 2008 йилда бошидан қандай қийинчиликларни кечираётган бўлмасин — бу қишнинг ниҳоятда совуқ келиши, қишлоқ хўжалигида юз берган сув танқислиги ва қурғоқчилик бўладими, бугун жаҳон миқёсида тобора авж олиб бораётган молиявий инқирознинг салбий таъсирини енгиш бўладими ва бошқа қийинчилик ва муаммоларга бардош бериб, эл-юртимиз шундай мураккаб шароитда ҳам иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиши ва аҳолимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, халқаро майдонда ўз обрў ва нуфузини оширишга эришмоқда.

Мамлакатимизда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилаётган марралар, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бўлаётган катта ижобий ўзгаришларни, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг тубдан ўзгараётган қиёфасини кузатмасдан ва сезмасдан бўлмайди, албатта.

Эл-юртимиз ҳаётида намоён бўлаётган энг сезиларли ўзгаришлар ҳақида сўз юритганда, мен аввало, одамларимизнинг, халқимизнинг тобора юксалиб бораётган дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ўз ҳаёти ва меҳнатига онгли қараши, фуқаролик ва юртпарварлик масъулияти ошиб боришига алоҳида эътибор берган бўлардим, — деди Ислом Каримов.

(Давоми 3-бетда)

✓ «Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ЁШ СИЁСАТЧИЛАР

билим ва иқтидорларини намоён этдилар

Қобилиятли, салоҳиятли, фаол ва жонкуяр ёшлар ҳар бир жамиятнинг, даврнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Шунинг учун мамлакатимизда йигит-қизларни ҳар жиҳатдан камол топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Ана шундан келиб чиқиб, Ёшлар йилида «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танлови ўтказилди.

(Давоми 4-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари ялпи мажлиснинг иккинчи кунини мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлигига тааллуқли бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқишдан бошладилар. «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи Факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир.

Қонунни муҳокама қилиш асносида таъкидландики, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, шу жумладан, жиноий жазолар тизимини либераллаштириш юзасидан ўтказилаётган теран ва тизимли ислоҳотлар, шунингдек, ишни судда кўриш процессида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга доир чора-тадбирлар, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ва шу сингари ишлар мамлакатни демократик янгилаш ҳамда модернизациялаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлиги остида амалга оширилаётган кўламдор ишларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги мамлакатимизда ва умуман бутун дунёда алоҳида эътиборга ноил бўлди. Суд-ҳуқуқ тизими инсон ҳуқуқларига, унинг манфаатлари ва эркинликларига риоя этилишининг ишончли кафолатига айланиб бормоқда.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон қабул қилган қонунлар бу соҳадаги умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий нормаларга батамом мос ва мувофиқдир. Шу муносабат билан Иккинчи факультатив Протоколга қўшилиш мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари пухта ҳамда ишончли ҳимоя қилинишини таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга қаратилган йўли ўзгармас эканлигининг яна бир карра тасдиғидир.

«Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан қўллаб-қувватланди.

(Давоми 3-бетда)

ВАТАНИМИЗНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ – БИЗНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Бошқарувнинг том маънодаги демократик тизимига ўтиш кўп жиҳатдан ана шундай омилларга боғлиқдир. **Ҳокимиятнинг бюрократизм ва коррупция иллатларига берилиши ва одамларни сансоларликка ташлашни олдини олишнинг асосий чораси ҳам айнан мана шунда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

Фуқаролик жамиятини шакллантириш — албатта, бу узоқ давом этадиган, узлуксиз ва мураккаб жараён бўлиб, бу мақсадга эришиш мамлакат ва жамиятни ислоҳ қилиш мақсадлари ва йўлининг тўғри танланганига, биринчи навбатда, одамларнинг онгу тафаккурида демократик ва либерал қадриятларнинг нақадар мустаҳкам ўрин олаётганига боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз, деб ўйлайман.

Энг муҳими, ислоҳотларнинг асосий субъекти бўлмиш инсон мамлакатда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларнинг зарурлигига, улардан аниқ манфаат топишига ўз ҳаётий тажрибаси мисолида ишонч ҳосил қилиши зарур.

Юртимизда замонавий демократик давлат ва жамият қуриш бўйича Конституциямизда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида эришилган муҳим натижаларни муносиб баҳолар эканмиз, бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда демократик ислоҳотлар ва жамиятни либераллаштиришни изчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда бошланган туб ўзгаришлар албатта ўз мантиқий якунига етказилади; деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Бу — бизнинг келажагимиз, келажагимиздан эса биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ҳозирги пайтда энг муҳим ва долзарб бўлиб турган масала — жаҳон миқёсидаги молиявий инқироз ва унинг мамлакатимизга таъсири хусусида қисқача тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман.

Аввало, жаҳон молиявий инқирози ҳақида.

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.

Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келмоқда.

Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди.

Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.

Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади.

Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлик мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ.

Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.

Шу йил ноябрь ойида Вашингтонда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлади.

Ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар шуни кўрсатдики, бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида сўз бораётгани йўқ, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланмоқда, холос. Яъни, бу масалада вазият шу даражага етдики, энди аввалги марраларга қайтиш ҳақида сўз юритишга асос йўқ.

Муҳокамаларда инқирозни келтириб чиқарган сабаблар таҳлили бўйича саммит иштирокчиларининг ягона ёндашувга эга эмаслиги, шу боис ушбу глобал молиявий инқирознинг жиддий ва узоқ давом этадиган оқибатларини бартараф этиш юзасидан умумий ва самарали дастур ишлаб чиқиш ҳақида гапиришга ҳали эрта экани аён бўлди.

Шу билан бирга, мазкур саммитнинг бўлиб ўтгани, унда жаҳон молия инқирози билан боғлиқ муаммолар ва вужудга келган вазият муҳокама қилинганининг ўзи умид уйғотадиган ижобий ҳол экани шубҳасиз.

Ҳурматли дўстлар!

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда қабул қилинган ва амалда ўзини тўлиқ оқлаган ислоҳотлар ва модернизациялашнинг ўзига хос моделидан келиб чиқадиган принциплар ва мақсадли вазифалар ҳақида сўз борганда, бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим.

Биз иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни кўзда тутган ҳолда, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб киритишга қаратилган уринишлар ва бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан ўз вақтида воз кеча олдик.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, **«Янги уй курмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.**

Энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан **давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик.**

Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади.

Биз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.**

Шу ўринда, Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз.

Айрим мисолларга тўхталиб ўтсам.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугун кенг кўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабабларидан бири — бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади.

Кейинги йилларда республикамизда банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

Бу эса мамлакатимиз банк тизимининг асосини ташкил этадиган Миллий банк, Халқ банки, Саноатқурилишбанк ва Микрокредит банкларининг, шунингдек, Асакабанк, Пахтабанк, Ғаллабанк каби тижорат банкларининг капитал базасини ва ликвидлигини, яъни тўлов ва кредит бериш салоҳиятини тубдан ошириш имконини берди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида фақат 2008 йил давомида республика тижорат банклари жами капиталининг тўртдан уч қисмини ўзида бирлаштирган саккизта етакчи тижорат банкининг умумий капитали ҳажми 42 фоизга ошди ва бу кўрсаткич 2010 йилгача икки баробар ортади.

Тижорат банкларининг активлари миқдори, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ шаклланган захираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард сўмдан ошади.

Бу аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир.

Банк активлари ҳажмининг сезиларли даражада ошганини ҳисобга олиб, бугунги кунда республикамизда аҳолининг банклардаги барча депозитларини давлат томонидан юз фоиз кафолатлаш таъминланмоқда.

Шу борада 2006 йилда ташкил этилган Микрокредитбанкнинг фаолияти хусусида алоҳида тўхталмоқчиман.

Мамлакатимиз ҳудудларида 78 та филиали ва 270 дан зиёд минибанки фаолият кўрсатаётган мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини кредитлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўтган икки йил давомида ушбу банк активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Яқинда Президент фармони асосида Микрокредитбанк устав жамғармасини 72 миллиард сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Мен тўхталмоқчи бўлган яна бир масала — ташқи қарз ва уни узиш муаммолари билан боғлиқ.

Шуни айтиш керакки, кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ва ночор аҳволга солиб қўйганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда.

Шуни ҳам қайд этишни истардимки, қарзни ўз вақтида қайтара олишга қатъий ишончимиз ва кафолатимиз бўлмаган пайтларда муайян лойиҳаларни кредитлаш бўйича айрим таклифлардан воз кечган ҳолатларимиз ҳам бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 13,3 фоизини ташкил этади ва экспорт ҳажмининг 31 фоизидан ошмайди. Бу халқаро мезонларга кўра, ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат, деб баҳоланади.

Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича сўз юритганда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Бу ҳам республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганини кўрсатади.

Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганини амалда исботламоқда.

Сўнгги икки йил давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Жорий йил охиригача 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилади, шу жумладан, уларнинг 70 фоизини тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар ташкил этади.

2009 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг тахминан тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри жалб этиладиган инвестициялардир.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган хорижий ва ички инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг камида 25 фоизини ташкил этади.

Энди аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Жорий йилнинг 11 ойи давомида мамлакатимизда инфляция даражаси 6,6 фоизни ташкил этди, умуман, йил давомида бу кўрсаткич 8 фоиздан ёки 2008 йил прогноз кўрсаткичларидан ошмайди.

Бюджет соҳаси ходимларининг ўртача иш ҳақи 2008 йилда 51 фоизга, хўжалик субъектларини ҳисобга олган ҳолда эса, 47 фоизга ортади.

Шу тариқа кейинги икки йил давомида, яъни 2007-2008 йилларда мамлакатимизда ўртача иш ҳақининг 2 баробардан зиёдроқ ўсишига эришамиз.

Бу эса эл-юртимизнинг фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишни кўзда тутадиган энг муҳим устувор мақсадларимизга тўла мос келади.

Муҳтарам ватандошлар!

Табиийки, юқорида келтирилган мисол ва рақамлардан тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди.

Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда.

Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади.

Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади.

Шубҳа йўқ, жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Аввалambор бунинг кафолати — кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдеворини, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бунга асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Республика Президентининг яқинда қабул қилинган фармони билан жаҳон молия инқирозининг оқибатларига қарши кураш йўлида банк ва молия тузилмаларига қўшимча ёрдам бериш, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва компанияларининг фаоллигини кучайтириш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишга солиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қатъий, ҳар томонлама ўйланган кенг кўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда.

Албатта, мамлакатимизда бундай чора-тадбирлар татбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни теран ҳис қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади.

Буни ҳаммамиз чуқур англаб олишимизни истардим.

Ҳурматли юртдошлар!

Бундан бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда сизлар билан бамаслаҳат 2008 йилни юртимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилган эдик.

Бу қароримизнинг маъно-мазмуни ва асосий мақсадлари ҳақида гапирганда, аввалambор униб-ўсиб келаётган фарзандларимизга янада кенг йўл очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намоён этиши учун давлатимиз, жамиятимиз томонидан шароит туғдириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, бир сўз билан айтганда, навқирон авлодни биз қураётган янги жамиятнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш вазифаси қўйилгани барчамизга яхши маълум.

«Ёшлар йили»га бағишлаб ишлаб чиқилган махсус давлат дастури ва шу асосда бажараётган амалий ишларимиз истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат ва ижтимоий сиёсатимизда ёшларга берилаётган эътиборни янада кенгайтириш ва кучайтириш учун янги имкониятларни сафарбар қилишга қаратилди.

Шу масалага доир кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш учун биринчи навбатда моддий ва молиявий манбалар, масъул идора ва ташкилотлар, тегишли ижрочилар аниқ белгилаб олинди.

Дастурнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси марказда республика комиссиясига, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича эса махсус ҳудудий комиссиялар зиммасига юклатилди.

2008 йилни мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилганимиз халқимиз, жамоатчилигимиз, аввалambор ёшларимизнинг ўзи томонидан қизғин кутиб олинди ва кенг қўллаб-қувватланди.

Юртимиздаги кўплаб корхоналар, фермерлар, ташкилот ва муассасалар, ўқув юртлари, сиёсий партиялар, ижтимоий жамғармалар дастур ижросини таъминлашга масъулият билан ёндашганини таъкидлаш зарур.

Айтиш мумкинки, ҳақиқатан ҳам, «Ёшлар йили» дастурининг бажарилиши бутун мамлакатимизни қамраб олган том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди.

Шу борада қабул қилинган ва амалга оширилган қонун, қарор, чора-тадбирлар ва лойиҳаларни баҳолар эканмиз, қуйидаги ишларимизга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Ўтган давр мобайнида бу йўналиш бўйича Президент ва ҳукумат томонидан 13 та қарор, 1 та фармойиш қабул қилинди ва 2 та қонун лойиҳаси қабул қилиниш арафасида турибди.

Ана шу қонун ҳужжатларида болаларни туғилганидан то вояга етгунча бўлган даврда саломатлигини ҳимоя қилиш, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва шу даргоҳларда ишлаётган ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳар томонлама ўрин олди.

Ушбу қарорлар қаторида 2009-2014 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва янги муассасаларни қуриш бўйича давлат дастури ҳамда иқтидорли ёшларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантиришга оид ҳукумат қарорининг қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни пайтда яна бир муҳим ҳужжат — олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир давлат дастурининг лойиҳаси тайёрланмоқда.

Ўтган давр мобайнида эътибор марказимизда турган масала — таълим соҳасида қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларининг кўрсатмаларини ва кўзда тутилган ислоҳотларини охирига етказиш вазифаси бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу йўналишда бошлаган ижобий ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этиш тизими шакллантирилди.

Яъни, бошқача қилиб айтганда, мамлакатимизда совет давридан қолган ўрта таълим олиш жараёнидан умумтаълим босқичи, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш ишларини якунига етказдик.

1997 йилда бошлаган, ҳақиқатан ҳам оламшумул ишларимизнинг бундай муҳим натижасига эришишда биргина шу йилнинг ўзида 370 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 184 та замонавий лицей ва коллеж барпо этилгани ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Йил давомида умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 364 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 минг 875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳам, ҳеч шубҳасиз, биз учун, бизнинг келажагимиз учун амалга оширилаётган ишларимизнинг яна бир намоёни бўлди.

Ёш авлодни тарбиялаш ва маънавий юксалтиришдек масъулиятли ишга ўзини бағишлаган устоз ва мураббийларнинг меҳнатини қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш доимий эътиборимизда турғани барчамизга маълум.

2006 йилдан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича такомиллаштирилган янги тизим татбиқ этилгани, уларнинг ойлик маошлари шунинг ҳисобидан йил бўйича ўртача 1,6 баробар ошгани бунинг исботидир.

Жорий йилда қабул қилинган махсус қарорга биноан, олий ўқув юртларида ишлаётган профессор ва ўқитувчиларнинг маошлари 25 фоизга кўпайтирилди. Агарки 2008 йилда юртимизда умумий иш ҳақи миқдорининг оширилганини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг ойлик маошлари фақат шу йилнинг ўзида ҳаммаси бўлиб икки карра ошганини қайд этиш керак.

Ўз навбатида лицей ва коллежларнинг раҳбарлари, педагог ва мураббийларининг иш ҳақи ҳам ана шундай ҳисоб-китоб бўйича 2008 йилда тахминан 1,8 баробар ўсгани қувонарли ҳол, албатта.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли юртимиз ёшлари замонавий илм-фан асосларини пухта ўзлаштиришда юқори натижаларга эришмоқда.

Жумладан, кимё фани бўйича шу йил Тошкентда ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 13 та медални қўлга киритиб, биринчи ўрин соҳиби бўлгани ёки Испанияда 97 та мамлакат вакиллари ўртасида бўлиб ўтган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни олишга эришгани барчамизни мамнун этади.

Таълим соҳасини янги босқичга кўтариш ҳақида гапирганда, фарзандларимизнинг қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини сингдириш, уларни барча балоқазолардан, бизга бегона бўлган таъсирлардан огоҳ этиш ва ҳимоялаш, болаларимизни шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келаётганимиз жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни учун нақадар муҳим эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Жорий йил давомида ҳаётимиздаги яна бир ўткир масалани ечишга катта аҳамият берилди. Бугунги кунда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш ўта долзарб ва жиддий масала эканидан барчамиз хабардормиз.

Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида ўқув юртларини, аввалambор, коллежларни битириб, замонавий касб-ҳунарга эга бўлган ёшларимизни корхона ва ташкилотларга жойлаштириш, уларни қониқтирадиган иш билан таъминлаш бўйича анча ишлар қилинди. Энг муҳими, шу йилдан бошлаб бу борада янги статистик ҳисоботлар ва назорат тизими амалиётга жорий этилмоқда.

Тўпланган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу масалада ўрнатилган тартиб ва интизом, яъни ҳар қайси лицей ва коллеж битирувчисининг ишга жойлаштирилиши юзасидан кузатув ишларининг олиб борилиши, бу вазифанинг ўқув юртлари раҳбарияти ва маҳаллий ҳокимликлар зиммасига юклатилиши ўз самарасини бермоқда.

Яна бир эътиборли томони шундан иборатки, лицей-коллежлар ва олий ўқув юртларида мавжуд бўлган ихтисосликлар сони ва турлари танқидий кўз билан қайтадан кўриб чиқилди.

Яъни, ўқув юртларида ўқувчи ва студентларни иқтисодиётнинг реал тармоқларида талаб қилинаётган мутахассисликларни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш масаласи қаттиқ назоратга олинди.

Мисол тариқасида айтиш керакки, шу йилнинг ўзида касб-ҳунар коллежлари тизимида 80 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш тўхтатилди, олий таълим тизимида эса 90 та янги ихтисослик жорий этилди.

Бундай амалга оширилаётган тадбирларимизнинг маъно-мақсадлари шунга қаратилганки, эртага лицей ва коллежларни битириб чиқадиган болаларимизнинг эгаллаган касб-ҳунари ва ихтисослари иқтисодиётимиз ва бошқа турли соҳалардаги талабларга жавоб беришини таъминлашимиз зарур. Токи ҳар қайси битирувчи амалий ҳаётда ўз билим ва имкониятини намойиш қилишга қодир бўлсин.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, бундай орзу-ниятларимиз ва интилишларимизни амалга оширишнинг асосий мезони — жойларда янги иш ўринларини ташкил қилишдан иборат.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ВАТАНИМИЗНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ – БИЗНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

2008 йилда республикамиз бўйича 660 минг янги иш ўрни ташкил этилгани ва бу рақам ўтган йилга нисбатан 105 фоизга ўсгани, энг муҳими, бу иш жойлари асосан ҳаётга кириб келаётган ёшлар учун яратилгани барчамизни сўзсиз қувонтиради ва бундай ишларимизни ҳеч сусайтирмасдан, янада тез суръатлар билан давом эттирамиз.

Барчангизга яхши аёнки, болаларимизнинг қалбида гўзаллик ва эзгуликка интилишни кучайтириш ва шу асосда жамиятимизнинг маданий савиясини ошириш биз учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда пойтахтимизда энг замонавий талабларга жавоб берадиган мухташам «Ёшлар ижод саройи»нинг барпо этилгани ёш авлодимиз учун муносиб совға бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шунингдек, Андижон ва Жиззах шаҳарларида ёшлар марказлари қурилиб иш бошлагани минг-минглаб фарзандларимиз учун янги имкониятлар эшигини очиб бериши шубҳасиз, албатта.

2008 йил давомида соғлом авлодни вояга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришларга алоҳида тўхталишни жоиз деб биламан.

Бу борада «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш», «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида тиббиёт муассасаларига қарийб 3,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Бу муҳим йўналишда ўз куч ва имкониятларимиз билан бир қаторда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган яқин ҳамкорлигимиз ижобий самара бермоқда.

Масалан, Жаҳон овқатланишни яхшилаш жамғармасининг 6 миллион долларлик маблағи ҳисобидан ун маҳсулотларини фортификация қилиш бўйича муҳим чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Япония ҳукуматининг гранти асосида Республика акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти 3,5 миллион долларлик замонавий даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозланди.

Саудия Тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан юртимиздаги 28 та янги мактаб қурилишига 21 миллион, Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси томонидан Республика нейрохирургия маркази қурилишига 13 миллион, Ислом тараққиёт банки томонидан 5 та касб-ҳунар коллежи қурилиши учун 10 миллион доллар, Бирлашган Араб Амирликлари томонидан янги мактабларни жиҳозлаш, компьютерлар билан таъминлаш учун 16 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилганини қайд этиш лозим.

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

Шулар қаторида Осиё тараққиёт банки, Германиянинг КФВ банки ва Хитой Халқ Республикасининг молия институтлари томонидан коммунал хизмат соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун катта миқдорда маблағ ажратилганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш учун йил давомида 186 та спорт иншоотида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, миллионлаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Ўтаётган йилимиз турли спорт анжуманларига, бу соҳада эришган, барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайдиган ғалабаларга бой бўлгани билан ҳам эсда қолиши шубҳасиз. Жумладан, Пекинда бўлиб ўтган 29-Ёзги олимпиада ўйинларида спортчи ёшларимиз фаол қатнашиб, кескин курашларда 1 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритгани мамлакатимиз спорт ҳаётидаги катта воқеа бўлди.

Ана шундай ютуқлар қаторида футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Осиё чемпионати мусобақаларида муносиб иштирок этиб, 2009 йили Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Азиз дўстлар!

Жамиятимиз пойдевори бўлган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласини биз ўз олдимизга қўйган эзгу ва юксак марраларга етишнинг асосий омилларидан бири деб биламиз.

Жорий йилда бу масалада ҳам бир қатор эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳудудларимизда ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўпқаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди.

Йил охиригача яна шундай 52 та кўпқаватли уй битказилиб, 1 минг 900 та ёш оила квартира билан таъминланади. Шунингдек, 1 минг 300 нафар ёш ўқитувчининг оиласига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилганини ҳам қайд этиш лозим.

Шуни айтиш керакки, 2008 йилда Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини оилавий турар-жой билан таъминлаш тизими яратилиб, улардан 90 нафарига янги квартиралар берилгани хайрли ишларимиздан бири бўлди.

Агарки бундай эзгу ишлар рўйхатини давом эттирадиган бўлсак, 14 миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлар маблағи ҳисобидан 15 мингдан зиёд оилага қорамол берилгани, кам таъминланган ва ёш оилаларга шахсий чорвачилик билан шуғулланиш учун 6,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинган бошқа кўп-кўп ишларни айтиб ўтишимиз лозим бўлади.

Мухтасар айтганда, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида белгиланган чора ва тадбирларни амалга ошириш учун шу кунга қадар барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд ҳомийлар маблағи сарфланганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бу борада бажарган ишларимизнинг кўлами ва миқёси яққол намоён бўлади.

Ҳурматли ватандошлар!

Эл-юрт манфаати йўлида беғараз ва савоб иш қилиш, одамларнинг дарду ташвишларини ўзига яқин олиш каби халқимизга азалдан мансуб бўлган ана шундай хусусият ва фазилатлар, албатта, барчамизга ифтихор бағишлайди ва биз қандай улуғ зотларнинг фарзандлари эканимизни ҳис қилиб, шунга муносиб бўлиб яшашга даъват этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, хорижий давлат ва жамғармалар, халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган, **Ўзбекистонга ёрдам беришда жонкуярлик кўрсатган чет эллар-нинг элчилари ва вакилларига,** шу йўлда холис хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдираман.

Барчамизга аён бўлиши керакки, «Ёшлар йили» деб эълон қилинган 2008 йилда амалга оширган улкан, ўлчови ва аҳамиятини баҳолаш қийин бўлган ишларимиз бир йил билан чегараланмайди, албатта.

Бир нарсани чуқур англаб олишимизни истардим. Биз ўз олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга етмоқчи, мамлакатимиз тараққиётини жадал ривожлантирмоқчи бўлсак, Ватанимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини янада оширмоқчи, жондан азиз фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, **бунинг асосий шарти ва омили фақат битта – ҳаётга кириб бораётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг олдида кенг йўл очиб бериш, бунинг учун барча имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат, деб биламан. Ва ишонаманки, биз бу йўлда ўз мақсадларимизга албатта етамиз.**

Қадрли юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2009 йилга қандай ном бериш, қандай муҳим ва устувор вазифаларни ўзимиз учун асосий мақсад қилиб белгилаб олиш тўғрисида фикр алмашиб олсак, айни муддао бўлади.

Ўйлайманки, ҳаммамиз бир фикрга қўшиламиз — барчамизнинг илдизимиз, томиримиз аввалambor қишлоқ заминига бориб тақалади. **Она Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзот учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланади.**

Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг ризқи рўзи, насибаси аввало далаларимизда заҳматкаш деҳқонларимиз томонидан етиштириладиган маҳсулотлар, озиқ-овқат ва нозу неъматлар билан ўлчанади.

Лўнда қилиб айтганда, ҳар бир онгли инсон қайси жойда, юртимизнинг қайси чекасида яшамасин, албатта ўзининг, оиласининг ҳаёти қишлоқ замини билан чамбарчас боғланганини сезиши, тушуниши табиий, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, яна бир масалани эътиборимизда чиқармаслик керак. Бугунги кунда халқимизнинг аксарият қисмини, яъни 50 фоизга яқинини қишлоқ аҳолиси ташкил этади.

Бундан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Шунинг учун Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда.

Шу борада олиб бораётган амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»** деб ном беришни таклиф этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Биз қишлоқларимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва обод этиш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечиш учун тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган махсус давлат дастурини ишлаб чиқамиз, албатта.

Бу дастурда акс эттириш лозим бўлган асосий чора ва тадбирлар ҳақида гапирганда, **аввало қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган** ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шу масалалар билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.

Айни вақтда, қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини – бу уй-жой қурилиши бўладими, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти бўладими, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари масаласи бўладими — буларнинг барчасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, **қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият беришимиз даркор.**

Шу билан бирга, қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва шу тадбирларни амалга ошириш, ҳисобидан **қишлоқ аҳолиси, аввалambor, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини оширишдек муҳим мақсадлар дастурда ўз ифодасини топиши лозим.**

Шунингдек, **қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш,** моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари — **мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.**

Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири — **бу еримиз, тупроғимиз унумдорлигини доимий равишда ошириш** билан боғлиқ экани барчамизга яхши аён. Бу мақсадга эришиш учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдек **ўта долзарб масалаларга эътиборни янада кучайтириш талаб этилади.**

Яъни, ер деҳқонни боқади, деҳқон эса элни боқади, деган ҳикмат ҳамиша диққатимиз марказида туриши, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятимиз мезонига айланиши даркор.

Бу борадаги вазифалар қаторида **биз учун энг катта бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш** масалалари бўйича аниқ режалар белгиланиши зарур.

Бу дастурни шакллантиришда давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, фермерлик ва тадбиркорлик тузилмалари, кенг жамоатчиликнинг тавсия ва таклифлари ҳар томонлама инобатга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади, албатта.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Юқорида билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни мужассам этиб, **қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади,** десам, ўйлайманки, барчамизга дахлдор бўлган ҳақиқатни айтган бўламан.

Ишончим комилки, ана шундай эзгу мақсадни амалга оширишда ҳаммамиз белни маҳкам боғлаб, фаол иштирок этамиз, бу йўлдаги интилиш ва ҳаракатларимиз нафақат қишлоқларимиз, балки бутун мамлакатимизни янги, юксак марраларга олиб чиқишда улкан қадам бўлиб хизмат қилади.

Сизларни Конституциямиз байрами билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

— Бошқаларнинг ҳавасини тортадиган бундай ўзгаришлар, қандай йўналиш ва соҳани олманг, уларнинг барчаси — ишлаб чиқариш тармоқларида, илм-фан, маданият, тиббиёт ва таълим-тарбия тизимида, юртимиз тинчлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини сақлаш каби кўплаб жабҳаларда аввало биз олиб бораётган ислоҳотларнинг амалий натижаси, бугун биз кечираётган замоннинг яққол намунаси ва намойишидир.

Бугун мана шу залда тўпланганлар халқимизнинг муносиб фарзандлари, вакиллари бўлиб, ҳеч шубҳасиз, аввало ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлиб, мамлакатимизнинг тараққий топишига, ҳаётимизнинг тез суръатлар билан ўзгариб, юксалиб боришига, эришаётган ютуқларимизга катта ҳисса қўшиб келаётган, ҳар қанча ҳурмат ва эътиборга сазовор инсонлар, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айни вақтда ерга, ўз ишига қалбини, меҳрини бериб яшаётган заҳматкаш деҳқонларимиз ва ишчиларимизга, таълим-тарбия ва тиббиёт, маданият ва санъат соҳалари фидоийларига, маънавий ҳаётимиз таянчи бўлган зиёлиларимиз намояндаларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик идоралари ходимларига, жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган навқирон ёшларимизга, сиз азизларга — барча-барчангизга фидокорона меҳнатингиз учун яна бир бор Ватанимиз, халқимиз номидан миннатдорлик билдириш, раҳмат айтишни ўзимнинг шарафли бурчим деб биламан.

Мамлакатимиз раҳбари давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда ҳудуд ва минтақаларимизда юксак мукофотлар топширилаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг энг яқин қадрдонларим каби ғойибона бағримга босиб, «Доимо соғ-омон, бахтли бўлинг, азизларим!» деб чин қалбимдан табриклайман, — деди Президентимиз. — Аввало, сизларга, барчангизга яраширб турган, Ватанимизнинг юксак ҳурмати ва ишончининг рамзи бўлган мана шу унвон, орден ва медаллар ҳаммангизга буюрсин. Нафақат ўзларингиз, айни пайтда оила аъзоларингиз, яқинларингиз, ёру биродарларингизга сиз билан ғурурланиб, фахрланиб юришга доим асос бўлсин, барчангизга куч-қувват ва хурсандчилик берсин. Она юрти равнақи ва юксалишига, халқимизнинг энг эзгу орзу-ниятларининг ушалишига, Ватанимизнинг янада ривож топишига ўз меҳнатини, ўз муносиб ҳиссасини қўшган сиздек инсонлар ҳеч қачон кам бўлмасин. Оллоҳнинг ўзи халқимизни асрасин, доимо омадини, бахтини берсин. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги раҳбари Сиёсатхон Абдуллаева, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси ҳонандаси Ғуломжон Ёқубов, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқий театри актёри Турсингул Қайибназарова, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари бўйича ўқитувчиси Турғун Азларов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози, «Севинч» аёллар футзал жамоаси бош мураббийи Владислав Хан, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги Юнусобод академик лицейи директори Ортиқбой Эшонқулов, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акрам Иномов, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори Суйима Ғаниева ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янгидан-янги марраларни эгаллашга илҳомлантиришини таъкидладилар, юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

(ЎзА)

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Бунда ушбу Факультатив протоколнинг асосий мақсади 18 ёшга тўлмаган болаларни қуролли можароларда иштирок этишдан асрашдан ҳамда давлат ичида ва унинг сарҳадларидан ташқарида олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатларга жалб этиш мақсадида болаларни ёллаганлик, тайёргарликдан ўтказганлик ва улардан фойдаланганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини белгилашдан иборат эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мажлисда сўзга чиққан сенаторлар шуни қайд этдиларки, Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни жиноий фаолиятга жалб этилишига қарши курашишнинг яхлит тизими барпо этилган. Мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатга қўшилиш бу соҳада олиб борилаётган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига тамомила монанд бўлган қонунчилик ишлари ва ҳуқуқни қўлланиш амалиёти самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

«Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам Сенат томонидан маъқулланди.

Мазкур Факультатив протокол болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси амалиётидан болаларни ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга, боланинг соғлиғига хавф туғдириши ёки таълим олишига монелик қилиши ёхуд унинг саломатлигига, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий камол топишига зарар-заҳмат етказиши мумкин бўлган иқтисодий эксплуатациядан ҳамда ҳар қандай ишни бажаришдан ҳимоя қилишга қаратилган. Мажлис иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистонда шу соҳага оид «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шуниси ҳам борки, бола ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига қарши қаратилган, Факультатив протоколда қайд этилган ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларида жиноят сифатида қаралади, бинобарин бундай қилмишни содир этганлик учун қаттиқ жиноий жазолар назарда тутилади. Ҳуқуқни қўлланиш амалиёти ҳам мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжат талабларига жавоб беради. Ана шу Факультатив протоколга қўшилиш Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бу соҳадаги ишлари самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратади.

Сенаторлар «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилар эканлар, ушбу Конвенция бутун жаҳонда ишлатиб бўлинган ёқилғи ва радиоактив чиқиндилар муомаласи хавфсизлигининг юқори даражасига миллий чоратадбирларни ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўли билан, шу жумладан, тегишли ҳолларда хавфсизлик соҳасида техникавий ҳамкорлик қилиш йўли билан эришишга қаратилганлиги туфайли ҳам мамлакатимизнинг миллий манфаатларига тўла-тўкис жавоб беради, деб айтдилар. Ўзбекистонда фуқароларни, атроф-муҳитни ионли нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳамда радиологик оқибатларга олиб келувчи ҳалокатларнинг олдини олиш юзасидан собитқадам иш олиб борилмоқда.

Мазкур Конвенцияга қўшилиш бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб беради, бу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан, Халқаро атом энергияси агентлиги билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу муносабат билан Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шериклик таъсис этувчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2008 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Муҳокама ва фикрлашувлар асносида сенаторлар шуни алоҳида қайд этдиларки, Ўзбекистон, бир томондан, ва, Европа Ҳамжамиятлари, иккинчи томондан, ўртасида 1996 йил 21 июнда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг асосий мақсади Битим тарафлари ўзаро кенг кўламда сиёсий мулоқотни амалга ошириши учун ҳадлар яратиш, савдо-иқтисодий шерикчиликни, шунингдек, қонунчилик, илмий-техника ва маданий ҳамда инсонпарварлик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Протокол Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг ажралмас қисми бўлиб, мазкур Битимнинг Европа Иттифоқи таркибига қўшилган икки янги давлатга нисбатан қўлланилишини кенгайтириб, Болгария Республикаси ҳамда Руминиянинг Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим тарафлари қаторидан ўрин олганлигини юридик жиҳатдан расмийлаштиради. Протоколнинг ратификация қилиниши ҳамкорликнинг барча соҳаларида Ўзбекистоннинг бу икки мамлакат билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларини янада чуқурлаштириш имконини беради.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги, Исроил Давлатидаги, Қозоғистон Республикасидаги, Ҳиндистон Республикасидаги, Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн олти йиллиги арафасида ўтказилган Сенат ялпи мажлисининг икки кунлик иши мобайнида 24 та масала кўриб чиқилди.

Мазкур ялпи мажлисда маъқулланган қонунлар ва парламент юқори палатаси томонидан қабул қилинган бошқа қарорлар, сенаторларнинг фикрича, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиги остида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг янада теранлик касб этишига ёрдам беради. Сенаторлар яқин орадаги энг муҳим вазифа Сенат томонидан маъқулланган қонунлар ҳамда қабул қилинган қарорларнинг моҳияти ва аҳамиятини мамлакатимиз аҳолиси кенг қатламларининг онги ва шуурига етказиш, тушунтириш ишларини талаб даражасида олиб боришдан иборат деган фикр билдирдилар. Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонун ҳужжатларини изчиллик билан амалга ошириш мамлакатимизнинг демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан илгарилаб боришига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада тўлароқ таъминланишига ёрдам беражаги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин:

Тогайторе Шинибекович **Каллибеков**

Мирали Махмутжонович **Миррахимов.**

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 5 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:

Тўра Шодмонович **Алимардонов**

Махмуда Абдусамиевна **Израилбекова.**

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 5 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Илхамджан Туйчиевич **Нематов** Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 5 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ойбек Анварович **Эшонов** Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 5 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Фаррух Исламджанович **Турсунов** Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 5 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Салих Рахимджанович **Инагамов** Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 5 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Алишер Кадирович **Кадиров** Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 5 декабрь

✓ «Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ЁШ СИЁСАТЧИЛАР

билим ва иқтидорларини намоён этдилар

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўтказилган дастлабки босқичлар ғолиблари иштирок этди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, партиянинг Ёшлар йилидаги устувор вазифаларидан бири — «Истиқбол» ёшлар қанотининг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва бу орқали Ўзбекистон ХДП ёш аъзолари, хайрихоҳларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкор ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, «Ёшлар йили» Давлат дастуридан келиб чиқаётган вазифаларни бажаришга кўмаклашиш, ёшлар ўзларининг сиёсий манфаатларига партия сафидаги фаолияти орқали етишларига кўмаклашиш эканини алоҳида таъкидлади.

Танлов ёшлар ўртасида сиёсий таълим-тарбияни такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий билимлари, сиёсий онгини юксалтириш, фуқаролик жамияти қурилишида иштирокини кучайтириш мақсадида ташкил этилди. Шунингдек, у ёшлар орасидан етакчиликка қобилиятлиларини аниқлаш, уларни келгусида партия ташкилотларида ишлаш, сайланма органларига сайлаш, депутатликка номзодларини кўрсатиш ва ушбу жараёнларга ҳар жиҳатдан тайёрлаш, партия дастурий мақсадлари, ғоялари, вазифалари, устувор мафкуравий йўналишларини амалга оширишга кенг жалб этиш учун аҳамиятлидир.

Умуман олганда, 2006 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятининг асосий йўналишлари давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати асосларини ўрганиш ва тарғиб этишга қўмаклашиш, ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан

(Давоми. Боши 1-бетда)

қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган партия аъзолари ва партия ғояларига хайрихоҳ ёшларни бирлаштиришга қаратилган. Йигит-қизларнинг фаол фуқаролик қарашлари, позициясини шакллантириш, жамият ҳаётида фаол ва онгли иштирокини таъминлаш мамлакатимизда шаклланаётган кучли жамиятнинг асосий талабларидан биридир. «Истиқбол» фаоллари томонидан жойларда ўқув юртларини битираётган йигит-қизларнинг бандлик даражасини аниқлаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлаш, бу борада мониторинг, таҳлил ишларини олиб бориш, ёшларга оид муаммолар ечими юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиши ҳам муҳимдир. Бу, бир томондан, ўсиб келаётган авлод ҳаётимизда юз бераётган воқеаларга бефарқ эмаслиги, Ватан келажаги учун жавобгарликни чуқур англаётгани, ҳис этаётганидан далолатдир.

Тизимли асосда ташкил этилаётган, «Истиқбол» фаолиятида янги йўналиш ҳисобланган ва бу йил биринчи марта ўтказилаётган «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танлови юқоридаги мақсадларни самарали амалга ошириш, ёшлар қаноти ишини такомиллаштириш, янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилаяпти.

Танловнинг шаҳар, туман, вилоят, Қорақалпоғистон республика босқичларида 4000 нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этди. Танловда ёшларнинг депутатлик гуруҳлари билан алоқаларини ривожлантириш ва улар билан ишлашни ташкил этиш юзасидан кўплаб таклифлар илгари сурилди. Шу жараёнда ёшлар орасидан етакчиликка қобилиятлилари сараланди, улар билан алоҳида иш олиб бориш ташкил этилмоқда. Тадбир давомида 100 нафарга яқин ёшлар Ўзбекистон ХДП сафига кириш истагини билдирди. Энг муҳими, улар онгли равишда сиёсий жараёнга кириб келмоқда.

Республика босқичида юртимизнинг барча минтақаларидан 14 нафар иштирокчи қатнашди. Улар 4 шарт бўйича беллашиб, сиёсий соҳада билими чуқурлашиб, қобилияти шаклланиб бораётганини, қонунларни пухта билишини намоён этдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан амалий таклифларни ўртага ташладилар.

Қизғин беллашувлар натижасида ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Баҳодир Юсупов биринчи, Тошкент вилояти вакили Улуғбек Ғуломов иккинчи, Сурхондарё вилоятидан Фарҳод Расулов учинчи ўринга сазовор бўлди. «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» кўрик-танлови ғолиблари ва иштирокчилари сертификат, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Мукофотларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов, фракция аъзолари Шарбат Абдуллаева, Боймурод Юсупов, Анвар Бойқулов топширди.

— Нафақат куч синашиш вақтида, балки унга тайёргарлик жараёнида жуда кўп нарсаларни ўргандик, — дейди танлов ғолиби Баҳодир Юсупов. — Қайси соҳада кўпроқ билсанг, шу борадаги фаоллигинг ортиб бориши табиий. Шундай экан, ёшликда ўрганганимиз юқоридаги мақсаднинг амалга ошиши учун мустаҳкам замин бўлади. Танлов шартларидан бири депутатликка номзод мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучи сифатида ўз сайловолди дастурини тақдим этиш эди. Мен бунда ўзимни ҳақиқатдан ҳам депутатликка номзод, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучи, деб ҳис қилдим, шундан келиб чиқиб дастур тайёрладим. Кўпгина депутатлар билан мулоқотда бўлдим, уларнинг тажрибасини ўргандим. Бунинг барчаси келажакда бизга асқотади.

— Танлов турли соҳада фаолият кўрсатаётган, партиямизга хайрихоҳ, ҳуқуқий, сиёсий онги шаклланиб келаётган ёшларнинг куч синашиб чиниқиши, ЎзХДПнинг устувор вазифаларини амалга ошириш йўлида бирлашиши учун жуда яхши имконият яратди, — дейди Фарғона вилоят босқичи ғолиби Абдусамад Ҳайдаров. — Ишонч билан айта оламанки, беллашувларда қатнашган тенгдошларим ўз ҳудудининг энг фаол, билимдон, ташаббускор йигит-қизларидир. Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад — улар орасидан ғолибни аниқлаб, мукофот билан тақдирлаш эмас, балки ортидан минглаб ёшларни эргаштира оладиган, сиёсий жиҳатдан камол топиб бораётган, ташаббускор ёшларни жипслаштириш, улар орқали мамлакатимизнинг бугуни ва эртанги куни эгаси бўлган ёш авлод орасига чуқурроқ кириб бориш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш, ёш сиёсатчилар, етакчилар, фаоллар қатламини шакллантиришдан иборат.

— Президентимиз ёшларга катта ишонч билдирган, халқимизнинг биздан умиди катта, — дейди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Шаҳноза Тангриева. — Бу эса зиммамизга улкан масъулият юклайди. Мамлакатимизнинг барча йигит-қизлари, чекка-чекка ҳудудлардаги тенгдошларимизни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллаштирмасдан туриб, олдимиздаги юксак мақсадларга эриша олмаймиз. Танлов бизга ортидан кўплаб тенгдошларини эргаштира оладиган фаол ёшлар қатламини шакллантириш, улар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш имконини берди. Улар орқали ҳар бир йигит-қиз қалбига кириб бориш осон. Чунки биз тобора катта кучга айланиб бораяпмиз. Буни танлов жараёнида тенгдошларимиз мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни чуқур билиши, жамиятни янгилаш жараёнларида фаол иштирок этаётганидан ҳам кўриш мумкин.

Беҳзод ШУКУРОВ «Ўзбекистон овози» мухбири. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

✓ Депутат ва ҳаёт

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

сайловчилар мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараён ҳамда ислоҳотлар ўз тақдирларига бевосита дахлдор эканини тобора чуқурроқ англаб бораётганини яна бир бор кўрсатди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Шарбат Абдуллаеванинг қоракўллик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

— Бизда учрашувлар алоҳида тайёргарликни тақозо этмайди, — дейди туман партия кенгаши раиси Файзулла Бебудов. — Сабаби, депутатимиз сайловчилар ишончини қозонган. Учрашувларда кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш, унинг қонуний асосларини мустаҳкамлашда фаоллик кўрсатаётгани ҳақида яхши биламиз. Сайловчиларимизнинг онги, дунёқараши ўсиб бораяпти. Шунинг учун депутат билан учрашув ҳақида эшитганлар келаверишади.

Шарбат Абдуллаева Қонунчилик палатасида амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти, фракция аъзоларининг қонун ижодкорлигида партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб фаол қатнашаётгани ҳақида батафсил ахборот берди. Келгуси йилда қандай қонунлар устида ишланиши ва унда ЎзХДП фракциясининг нуқтаи назари хусусида тўхталиб ўтди.

— Қонун ҳам тирик организмга ўхшайди, — деди у. — Доимо такомиллашиб бориши зарур. Биргина шу йил бошидан амал қилиб келаётган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ойлар ўтиб ўзгартиришларни талаб этди. Шу боис, мазкур кодекснинг етмишдан ортиқ моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Учрашувда Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори Карим Имомов «Таълим тўғрисида»ги қонун юзасидан саволни ўртага ташлади.

— Мазкур қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси биринчи ўқишда киритилган, — деди депутат. — Келгуси йилда қабул қилиниши режалаштирилаяпти. Ҳужжат кучга кирса, мамлакатимизда таълим тизимида ўзига хос катта ўзгаришлар юз беради. Хусусий секторда ёшларга таълим-тарбия беришнинг ҳуқуқий асоси такомиллашади.

Олотдаги Педагогика ва спорт коллежида ҳам худди шундай учрашув бўлиб ўтди.

✧✧✧

Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни мамлакат ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ўсиб келаётган авлодни бундай ўта масъулиятли вазифа ва унинг ўзига хос жиҳатлари билан таништириш эса уларнинг ҳуқуқий-сиёсий онгини юксалтиришга хизмат қилади. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фаоллари муҳим аҳамиятга эга. Бу турли соҳаларни ўз ичига олувчи ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайдиган қонунлар қабул қилишда кўзга ташланади.

Олий Мажлис қуйи палатаси депутати Гулистон Аннақличеванинг Нукус шаҳрида ўз сайловчилари билан учрашуви чоғида бу фикрлар яна бир бор таъкидланди.

Депутат шу кунларда халқимиз томонидан кенг нишонланаётган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллиги муносабати билан бу ҳужжатлар моҳияти ҳақда тўхталди. Уларнинг асосий мазмуни фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари, эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган миллий қонунларда ўз ифодасини топганини таъкидлади. Ўтган давр мобайнида Қонунчилик палатасида қатор қонунлар қабул қилинганлиги тўғрисида маълумот берди.

Шунингдек, депутат сайловчиларнинг мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг таклиф ва тавсияларини ўрганиш юзасидан фикр юритди. Жумладан, шу кунгача депутат ўз сайловчиларининг 66 та ёзма, 138 та оғзаки мурожаатини кўриб чиқани ва кўтарилган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалаларни қонунчилик доирасида ҳал этиш, фикрлар, мулоҳазалардан депутатлик фаолиятида фойдаланишга ҳаракат қилаётганини айтди.

Сайлов округининг бошқа ҳудудларида ҳам депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози мухбири.

✧✧✧

Депутат Боймурод Юсупов бу галги учрашувларини Яккабоғ туманининг тоғли ҳудуди — Кенггузар маҳалла фуқаролар йиғинидан бошлади.

У дастлаб жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, молиявий танглик ва унинг сабаблари ҳақида сўзлаб берди. Шунинг баробарида ҳукуматимизнинг иқтисодни барқарор ривожлантириш борасида олиб бораётган ишларини тўққиз ой якунларига таянган ҳолда таҳлил қилди. Ялпи ички маҳсулот, аҳоли даромадларининг ўсишига доир рақамларни келтирди. Автотранспорт эгалари, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашга қаратилган янги қонунларни атрофлича шарҳлаб берди. «Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш ҳақида гапирар экан, янгидан ишга тушаётган ўқув юртлари, таълим соҳасига ажратилаётган маблағлар самарадорлиги масалаларига эътибор қаратди.

— Қонун инсонга, халқнинг фаровонлигига хизмат қилсин, — деди депутат. — Партиямиз фракцияси қабул қилинаётган қонунларга ана шундай нуқтаи назар билан ёндашмоқда.

Депутат, шунингдек, Шаҳрисабз ва Қамаши туманларида ҳам сайловчилар билан учрашди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

PS: *Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси бошқа аъзоларининг ҳам сайловчилар билан учрашувлари қизғин савол-жавоб асосида ўтди. Муҳими, учрашув қатнашчилари бўлган турли касб эгалари, билимга чанқоқ ёшлар, кўпни кўрган отахон ва онахонлар бугун мамлакатда кечаётган жараёнларга бефарқ эмаслиги намоён бўлди. Шу боис, улар ўз депутатларидан қонун ижодкорлигида янада фаолроқ, янада масъулият билан қатнашиш, жойларда қонунлар ижроси назоратини кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.*

✓ Бандлик — долзарб вазифа

НАВБАҲОРДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Навбаҳор тумани Навоий вилоятининг шимолий-шарқида бўлиб, бу ерда асосан пахта, пилла ва ғалла етиштирилади. Туманда 95 минг киши истиқомат қилади. Айтишга арзигулик саноат корхонаси бўлмагани боис аҳолининг иш билан бандлик даражаси вилоятнинг бошқа ҳудудларига нисбатан бир мунча паст. Боз устига, туманда бирор-бир қўшма корхона ҳам йўқ. Шундан бўлса керак, ўтган 2007 йилда жами 380 та у ёки бу тоифадаги ишчи ўринлари яратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ўн ойида 410 та иш ўринлари ташкил этилди. Бунда ҳар 6 ойда мунтазам ўтказиб келинаётган «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркаси кўл келмоқда. Масалан, Бешработ қўрғонидаги «Истиқлол-саноат» касб-ҳунар коллежида яқинда бўлиб ўтган навбатдаги меҳнат ярмаркасида қарийб 156 нафар киши иш билан таъминланди. Ярмаркада иштирок этган Навбаҳор пахта тозалаш масъулияти чекланган жамият, «Агросуғурта» туман бўлими, туман «Автойўл» шўъба корхонаси ва туман Халқ банки филиали ҳамда туман газлаштириш идораси ўзларидаги бўш иш ўринларига кўпроқ малакали ёшларни даъват қилдилар.

— Гап фақат ишсизликни бартараф этишда эмас, — дейди туман бандликка кўмаклашувчи марказ директори Наврўз Худайназаров. — Биз — ёшларда меҳнат кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Шунингдек, амнистия туфайли жазони ўташдан озод этилганларни лаёқатига қараб иш билан банд қилишни муҳим вазифалардан деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда туман ҳокимлиги, прокуратура, туман ЎзХДП кенгаши билан ҳаракат қилаяпмиз, бу ишда «Маҳалла» жамғармаси ҳамда нуронийлар кенгаши кўмагига таянаяпмиз...

— Мен умумтаълим мактабини битиргандан буён ишсиз эдим, — дейди арабсаройлик Сардор Йўлдошев. — Меҳнат ярмаркасида иштирок этиб, туман пахта тозалаш заводига ишга кирдим...

— Меҳнат ярмаркаси айни кўнглимиздаги хайрли иш бўлди, — давом этди кескантераклик Алиқул Бозоров. — У орқали мен хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ишга жойлашдим...

Бунга ўхшаш фикрларни касаначи сифатида иш бошлаган Лола Хидирова ва ёнилғи қуйиш шохобчаси хизматчиси Дониёр Олимов каби ўнлаб ёшлардан ҳам эшитдик.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Тадбир

*Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»**ги Фармойишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот ишларида Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этишмоқда. Институт жамоаси юртимиз вилоятлари, шунингдек, пойтахтимизнинг туман, маҳалла мактаб ҳамда олий ўқув юртларида Бош қомусимизни ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказмоқда.*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» деб номланган тадбирлардан бири куни кеча Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари иштирокида бўлиб ўтди. Юридик институтнинг «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» кафедраси ўқитувчиси Жамолиддин Абдураҳмонхўжев, Комилжон Алихўжев, Дилмурод Очилов, Улуғбек Абдуллаев каби магистрантлар Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид нормаларнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида фикр юритдилар. Шунингдек, давра суҳбатида Президентимизнинг **«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»**ги Фармони эълон қилинганлиги — мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари масаласига энг олий қадрият даражасида ёндашилаётгани, юртимиздаги ислоҳотларнинг барчаси инсон ва жамият фаровонлиги йўлида амалга оширилаётганининг ёрқин исботи эканлиги алоҳида таъкидланди.

(Ўз мухбиримиз)

Эълон

TURON BANK

ОАТ «ТУРОНБАНК»

жамоаси

ўзининг акциядорлари, мижозлари
ҳамда барча ватандошларимизни юртимиз
Конституцияси 16 йиллиги ва
Қурбон ҳайити байрамлари билан
самимий табриклайди!



МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Норин — Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси бошқармаси

2009 йилнинг I чорагида Андижон вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш бўйича қуйидаги мелиоратив объектларида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажаришга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

1. Андижон туманидаги Қорадарёга параллел зовурни тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
2. Қўрғонтепа туманидаги Катта Қорагунон зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
3. Избоскан туманидаги Чувама зовурини тизимли таъмираш ва тиклаш.
4. Балиқчи туманидаги Халпа зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
5. Балиқчи туманидаги Дарвозақум зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
6. Олтинкўл туманидаги параллел КФК зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
7. Марҳамат туманидаги Бештентак зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
8. Шаҳрихон туманидаги Канда зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
9. Асака туманидаги НД-1 зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
10. Бўз туманидаги 56-Д-2 зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
11. Бўз туманидаги Ховос зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
12. Улуғнор туманидаги Сирдарё зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
13. Улуғнор туманидаги Эски мазгил зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Буюртмачи: Норин — Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедиция бошқармаси (Андижон шаҳри, Пирмуҳаммедов кўчаси, 7-а уй).

Таъмирлаш ишларини молиялаштириш: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кундан сўнг ўтказилади.

2009 йил манзилий дастурга киритилган қуйидаги объектларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

Андижон вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

1. *Андижон шаҳар, 39-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24 м.)*
2. *Андижон шаҳар, 38-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24 м.)*
3. *Қўрғонтепа туманидаги 4-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (9х18 м.)*
4. *Шаҳрихон туманидаги 36-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24 м.)*
5. *Жалақудуқ туманидаги 15-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24 м.)*
6. *Жалақудуқ туманидаги 12-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (9х18 м.)*
7. *Балиқчи тумани, «Охунбобоев» ҚФЙдаги 38-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (9х18 м.)*
8. *Булоқбоши туманидаги 22-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24 м.)*
9. *Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳридаги 8-сонли мактаб-интернатига спортзали қурилиши (9х18 м.)*
10. *Асака тумани, «Мустаҳкам» қишлоғидаги 22-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24 м.)*
11. *Олтинкўл туманидаги 10-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24 м.)*
12. *Асака шаҳридаги 1-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24м.)*
13. *Андижон туманидаги 4-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24 м.)*
14. *Асака тумани, «Ўзбекистон» ҚФЙдаги 27-сонли умумтаълим мактабига спортзали қурилиши (12х24 м.)*

Буюртмачи: *Андижон вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, А.Навоий кўчаси, 45-уй. Тел: 224-19-97)*

Қурилиш ишларини молиялаштириш: *Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: *танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси,
14 а-уй, тел/факс: 224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) садво ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Хоразм вилоятидаги

«ХОНҚА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

очиқ акциядорлик жамияти
жамоаси

Ўзбекистон халқини
мамлакатимизнинг Асосий Қонуни —
Конституциямизнинг 16 йиллиги Ва
барча мусулмонларнинг муқаддас байрами —
Қурбон ҳайити муносабати билан
самимий муборакбод этади!

Иқтисодиётимиз равнақига ўзининг самарали меҳнати, изланишлари билан муносиб ҳисса қўшаётган азиз юртдошларимиз, ғаллакорларимиз ва ҳамкорларимизга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Барча хонадонларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин!



«ШЎРЧИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Конституциямизнинг 16 йиллиги ва муқаддас байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан чин дилдан муборакбод этади!

Ўтаётган 2008 йил юртдошларимиз учун омадли ва баракали бўлди. Барча соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Айниқса, ғаллачилик соҳасида эришилган ютуқлар салмоқли бўлди.

Етиштирилган мўл дон ҳосили қайта ишланиб, эл дастурхонига сифатли ун маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Мана шундай қувончли кунларда бизнинг ниятимиз шуки, юртимиз тинч, халқимиз омон, турмушимиз фаровон бўлсин!

✓ **Иқтисодиёт ва ислоҳот**

АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ МАДАДКОРИ

«PAYNET» компанияси шохобчалари сонининг жадал суръатда ортгани унинг жорий йилдаги асосий ютуғидир. Ҳозирги пайтда шохобчалар икки баробар кўпайиб, Ўзбекистон бўйича уларнинг сони 15 мингдан ошди. Бу ҳақда компания вакиллари журналистлар билан ўтказилган учрашувда маълумот берди.

ХИЗМАТЛАР ҲАЖМИ ВА ТУРИ ОРТМОҚДА

Бундай ўсиш суръати тизимда кўрсатилаётган хизматларга талаб ортиб бораётгани ва уларнинг тури кўпаяётгани билан боғлиқдир. Бугун «PAYNET» шохобчаларида истеъмолчи мобиль алоқанинг исталган операторига қарашли уяли телефон, коммунал хизмат, шаҳар телефони, IP-телефония учун тўловларни амалга ошириши, тизимда мавжуд 20 дан ортиқ Интернет-провайдер номиналини харид қилиши мумкин.

Компания МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ўзининг хизматлари доирасига реал вақт режимида уяли алоқага янги абонентларни улаш хизматини жорий этди. Электр энергияси ва табиий газ учун тўловларни амалга ошириш сингари янгиликлар Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларидаги мижозлар учун қулайлик яратди. Эндиликда квитанция тўлдириш ва ҳисоблагич кўрсаткичларини кўчириб олиш, коммунал хизмат кўрсатиш идораларига бориш зарурати қолмади. Тошкент ва Бухоро аҳолиси уй телефони учун реал вақт режимида исталган миқдордаги маблағни тўлаш имкониятига эга бўлди.

Компания янги йилда яна қўшимча хизматларни жорий этишни мўлжалламоқда. Бошқа вилоятларда ҳам коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, суғурталаш учун тўловларни қабул қилишни босқичма-босқич йўлга қўйиш давом эттирилади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

BANK XALQ BANKI

Таъкидлаш керак, бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан банклар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган эътибор ва яратилаётган қатор имкониятлар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида муҳим омил бўлмоқда. Натижада банкларнинг молиявий кўмагида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти тобора ривожланиб бормоқда, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга эътибор кучайтирилмоқда.

«Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида фаолият юритаётган республика Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси ҳам бугунги кунда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда Ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлашда фаол қатнашиб, ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатиш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Доимо янгиликка интилувчи банк жамоасининг тинимсиз изланишлари ва саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қатор ижобий натижаларга эришилди. Сурхондарё вилоятида бугунги кунда бир қатор тижорат банклари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг деярли барчаси ўзларини асосий йўналишларидан ташқари аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиб келмоқда. Банк депозитлари бозорида ўзининг анъаналарига содиқ қолиб, уни давом эттираётган Халқ банки ҳам бу рақобатда олдинги ўринларда бормоқда.

Аксарият ҳолларда асосан юридик шахс ҳисобланмиш йирик корхона, ташкилот, муассаса, кичик ва хусусий бизнес вакиллари билан ишлаш бирмунча осон кечади, бироқ аҳоли билан ишлашда анчайин малака ва тажриба керак. Бу иш доимий равишда алоҳида хушмуомалалик, билим ва юксак маданиятни талаб этади. Бу борада банк филиалида алоҳида ўзига хос тажриба шаклланмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган даври давомида банк филиалларидаги жисмоний шахсларнинг депозитлари қолдиғи 3,3 млрд. сўмга ортиб жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 10,0 млрд. сўмга яқин миқдорни ташкил этмоқда. Шу ўринда банкка ишонч билдириб, ортиқча маблағларини банк депозитларига қўйган омонатчилар сони ҳам ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда вилоят филиалларининг корпоратив мижозлари сони тобора ортиб бораётганлиги ҳам тизим фаолияти кун сайин жонланаётганлигидан далолатдир. Вилоятдаги кичик бизнес субъектлари, тадбиркорлар, касаначиларнинг аксарияти банк мижозига айланди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, мижозларнинг Халқ банкига бўлган ишончи сезиларли даражада ўсган. Уларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2008 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 18 млрд. сўмга яқин миқдорни ташкил этмоқда. Ушбу кредитлар ҳисобига вилоят бўйича 5011 та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, банк филиали ходимлари қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Айниқса, Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Ушбу мақсадлар учун 2,5 млрд. сўм имтиёзли кредит берилди. Умуман олганда, банк филиалларининг шу мақсадга йўналтирилган кредит қўйилмаси 5 млрд. сўмга яқин миқдорни ташкил этмоқда.

Жорий йилда банк филиаллари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёш оилаларга 1,7 млрд. сўм ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратилди.

Вилоят филиалларининг самарали саъй-ҳаракатлари натижасида лизинг операцияларини амалга ошириш ҳажми ўтган йилга нисбатан 3 бараварга ортган. Банкнинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган 60 дан ортиқ фермер хўжаликларига 5,2 млрд. сўм миқдорида қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг маблағлари ҳисобига олиб берилди.

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш мақсадида «Бойсун-Мева-Узум» МЧЖни ташкил этгандик, — дейди бойсунлик Ўроztурди Қорабоев. — Шу мақсадда Халқ банкининг Бойсун туман филиалидан 30 млн. сўм кредит олдик ва ҳозир бир неча турдаги маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб беряпмиз. Натижада 10 нафар ёш йигит-қиз ишли бўлди. Энг асосийси, ажратилган кредит фоизлари ўз вақтида қайтарилмоқда.

Узун туманида истиқомат қилувчи Аслиддин Низомиддинов эса «Узун омухта ем» МЧЖ ни ташкил этди. Банкнинг шу туман филиалидан 100 млн. сўм кредит олди.

Вилоятнинг чекка-чекка ҳудудларида айниқса, шаҳар ва туман марказларидан олис қишлоқ жойлардаги аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида сервис хизматини жорий этиш билан бирга, янги савдо шохобчалари ташкил этилмоқда. Жорий йилда эса уларнинг сони 45 тани ташкил этди. Бу ўз навбатида аҳолига янги қулайлик ва имкониятлар яратмоқда. Ушбу савдо шохобчаларига 280,0 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банкининг Сурхондарё вилоят филиали жамоаси ҳудуддаги аҳоли, корхона, ташкилотлар молиявий аҳволини яхшилаш, деҳқон ва фермерларга ҳамда тадбиркорларга мададкор бўлишдек вазифани астойдил бажариб келмоқда. Банк жамоаси бу борадаги ишлар кўламини янги 2009 йилда янада кенгайтиришни режалаштирган. Бунинг учун банкнинг ресурс маблағлари ҳам, имкониятлари ҳам етарли.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари. t

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 9 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	888,64	1 Исландия кронаси	10,22	1 Швейцария франки	1148,97
1 Англия фунт стерлинги	2022,51	1 Канада доллари	1079,22	1 ЕВРО	1758,95
1 Дания кронаси	236,19	1 Хитой юани	200,32	10 Жанубий Корея вони	9,30
1 БАА дирҳами	375,15	1 Малайзия ринггити	378,91	10 Япония иенаси	148,99
1 АҚШ доллари	1377,73	1 Польша злотийси	453,74	1 Россия рубли	49,28
1 Миср фунти	250,27	1 СДР	2038,30	1 Украина гривнаси	186,64
		1 Туркия лираси	884,98		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Маштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

УЮШМАСИ

жамоаси пахта тозалаш тармоғи ходимлари ҳамда барча ўзбекистонликларни

Конституция куни ва муборак Қурбон ҳайити

билан самимий қутлайди!

Бу айёмларимиз ҳар бир хонадонга бахт-саодат, қут-барака, шоду-хуррамлик келтирсин!

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси барча юртдошларимизни, ҳамкорларни ва банкка ишонч билдирган мижозларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги ва яқинлашиб келаётган муқаддас айём — Қурбон ҳайити билан чин қалбдан муборакбод этади.

Азизлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин!

Юртимизда осойишталик, хотиржамлик доимо ҳукмрон бўлсин, дея тилаклар билдирган ҳолда мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаб, уларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишда, уй-жой шароитларини яхшилаб, узоқ муддат фойдаланадиган уй-рўзғор жиҳозларини харид қилишда банк ўзининг хизматларини имтиёзли шартлар асосида тавсия этади.

Банк хизматлари эвазига турмуш фаровонлигингизни янада оширинг!

Хизматлар лицензияланган.

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАРКИБИ

Литва президенти Валдас Адам янги ҳукумат таркибини маъқуллади. REGNUM ахборот агентлигининг қайд этишича, Вазирлар Маҳкамаси таркиби ва дастури парламент томонидан маъқулланиши лозим. Консерваторлар етакчиси Андрюс Кубилюс ҳукуматга раҳбарлик қилади.

ЭКСПЕРТЛАР ХУЛОСАСИ

Мумбайдаги террор қатнашчиларидан бир нечаси шаҳардан чиқиб кетишга муваффақ бўлган. Reutersнинг хабарига қараганда, террорчилик гуруҳлари фаолияти билан шуғулланувчи мутахассис, МРБ билан ҳамкорликда ишлаётган Фархана Алининг хулосаси шундай. АҚШ махсус хизмати вакиллари иштирокида Вашингтонда бўлиб ўтган матбуот анжуманида сўзга чиққан Фархана Али Мумбайдаги ҳужумларда Ҳиндистон маъмурлари айтаётганидек ўн киши эмас, балки камида 25 киши қатнашганини таъкидлаган. У террорчилар сони ҳақидаги ахборот манбасини ошкор этмаган. Анжуманнинг яна бир қатнашчиси, АҚШ давлат котиби Кондолиза Райснинг терроризмга қарши кураш бўйича собиқ катта маслаҳатчиси Дэвид Киллкулин ҳам Алининг бу фикрига қўшилишини айтган.

ҚАРОҚЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ МАРКАЗИ

Лондон яқинидаги Нортвуд шаҳарчасида Европа Иттифоқининг денгиз қароқчилигига қарши курашни мувофиқлаштирувчи маркази иш бошлади. Унинг очилиш маросимида Буюк Британия ва Франция ҳарбий маҳкамаларининг раҳбарлари қатнашди.

— Бизнинг мақсадимиз — қароқчиликка қарши курашишдан иборат, — дея таъкидлади Буюк Британия мудофаа вазири Жон Хаттон.

Декабрь ойидан эътиборан марказ Сомали қароқчилари халқаро денгиз савдо-сотиғига зарар етказаётган Адан кўрфазида кенг кўламли амалиётни мувофиқлаштиради. Европа ҳарбий денгиз кучларига тегишли беш ёки олтита кеманинг бу ишда иштирок этиши кутилмоқда.

SONYнинг OLED ЭКРАНЛАРИ

Sony компанияси телевизорлар учун OLED экрани ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

2500 АҚШ долларига баҳоланаётган экран диагонали 11 дюймга тенг. Мутахассисларнинг фикрига кўра, OLED-экранлари энергияни тежаш ва ўзидан ёруғлик тарқатиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам уларга махсус ёритиш ускуналари ўрнатилмайди.

✓ Спорт

ОСИЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ПОЛВОНЛАРИ

кураш бўйича Техронда ўтказилаётган қитъа чемпионатида иштирок этишади

Эронда кураш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Қитъамизнинг ўттизга яқин давлати полвонлари майдонга чиқаётган мазкур нуфузли мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

Чемпионатда Нурбек Арашов (66 кг. вазн тоифасида), Зафар Йўлдошев (73), Ҳамро Пиримқулов (81) ҳамда Ботир Қобулов (100) юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Ғолиб ва совриндорлар номи бугун аниқ бўлади.

ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан республика спорт ўйинлари ўтказилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Паралимпия ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақада Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан икки юз нафарга яқин спортчи иштирок этди.

— Спортнинг мини футбол, стол тенниси, шоҳмот, шашка ва енгил атлетика турлари бўйича ўтказилган мазкур баҳсларда ғолиб чиқиш эмас, иштирок этишнинг ўзи катта шараф, — дейди мусобақа қатнашчиси пойтахтлик Гулнора Холматова. — Шахсан ўзим кўзи ожизлар ўртасида ташкил этилган шашка мусобақаларида қатнашдим. Аввало шу спорт ўйинлари баҳонасида бизга кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибор учун мусобақа ташкилотчилари ҳамда ҳомийларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА ТЕХНИК ҒАЛАБА ЁЗИЛДИ

Куни кеча Осиё футбол конфедерацияси интернет сайтида 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати учинчи саралаш босқичида иштирок этган Сингапур терма жамоасининг Ўзбекистон (0:1) ҳамда Саудия Арабистони (0:2) футболчилари билан ўтказган ўйинлари натижаси бекор қилиниб, сингапурликларга 0:3 ҳисобида техник мағлубият ёзилганлигини эълон қилди. Бунга ушбу учрашувларда сигнапурликлар таркибида ҳаракат қилган Цю Линнинг регламентни бузганлиги сабаб бўлган. Бу футболчининг Сингапур фуқаролигини қабул қилганлигига эндигина уч йил тўлган.

Маълумки, ФИФА тартиб-қоидаларига кўра миллий терма жамоа аъзоси ўша мамлакатда камида беш йил яшаган бўлиши зарур. Шу боис, Халқаро футбол уюшмасининг махсус ҳайъати Сингапур терма жамоаси рақиблари бўлган Ўзбекистон ва Саудия Арабистони жамоаларига техник ғалаба ёзишга қарор қилди.

Эркин ХОЛБОБО

✓ Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР МАСКАНИ

— Мамлакатимизда халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида юртимизнинг чеккачекка қишлоқларида ҳам барча қулайликларга эга замонавий мактаблар қад ростламоқда, — дейди Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Тўра Саидов. — Бугун вилоятимизда 1100 та умумтаълим мактаби, 401 та мактабгача, 42 та мактабдан ташқари таълим муассасаси, 4 та махсус мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда. Косон туманидаги 95-ихтисослашган мактаб ҳам вилоятимизнинг қатор илм масканлари қатори, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, 2007 йилда капитал таъмирдан чиқарилди.

Мазкур илм маскани мустақиллик мевваларидан бири бўлиб, у 2005 йилда ташкил этилган. Айни пайтда бу ерда вилоят туманлари, Хоразм ва Бухородан келган 402 нафар иқтидорли ўқувчи таълимнинг физика-математика, кимё-биология, инглиз тили йўналишлари бўйича таҳсил олишмоқда. Мактабда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун зарур шароитлар яратилган. 22 та фан кабинети, ёпиқ спорт зали, 120 ўринли ошхона, кутубхона фарзандларимиз камоли йўлида хизмат қилмоқда.

— Бугун шиддат билан ривожланаётган замон ҳар бир соҳа ходимидан фидойилик, яратувчанликни талаб этмоқда, — дейди мактаб директори, Халқ таълими аълочиси Шаҳодат Эгамбердиева. — Таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳам соҳа фидойиларининг саъй-ҳаракати туфайли жойларда ўз ижросини топмоқда. Бу борада мактабимизда ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим жараёнига вилоятимиздаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини жалб қилганмиз.

Жумладан, иқтисод фанлари номзоди, доцент Салима Эгамбердиева ўқувчиларга «Иқтисодий билим асослари» фанидан сабоқ бермоқда. Шунингдек, ўқувчиларни илмий-ижодий фаолиятга йўналтириш мақсадида доцент Ширnotа Файзиева ҳам дарс жараёнига жалб этилган. Физика ўқитувчиси Жаҳонгир

Нурматов эса «Физика фанининг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти» мавзуида давра суҳбатлари ташкил этмоқда. Бу эса ўқувчиларни касбга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб ҳамда Ғузор туманидаги жаҳон тиллари лицей-интернати билан ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу илм масканида тажрибали ўқитувчилар ҳам оз эмас. Олий тоифали математика ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби Зубайда Алпонованинг «7-синфда геометриядан масалалар тўплами» китоби чоп этилиб, мамлакат миқёсида оммалаштирилди. Биринчи тоифали физика ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Эргаш Жўраев, 1-тоифали биология ўқитувчиси Неъмат Қурбонов, 1-тоифали кимё ўқитувчилари Шерали Эсиргапов ва Ориф Боймирзаев шогирдларининг аксарияти олий ўқув юртларига грант асосида ўқишга кираётганликлари, албатта, қувонарли.

2007-2008 ўқув йилида Раъно Сатторова биология бўйича вилоят олимпиадасида иштирок этиб, 2-ўринни, Наргиза Худойбердиева кимёдан фахрли 1-ўринни эгаллади. Мактабнинг 6-синф ўқувчиси Суннатилла Хўжақулов эса «Бир томчи сувда ҳаёт жилваси» мавзуидаги кўрик-танловнинг республика босқичида 1-ўрин соҳиби бўлди.

Бугун ўқитувчи-мураббийларнинг саъй-ҳаракати туфайли мактабда 18 та фан, 10 га яқин спорт тўгараги фаолият кўрсатмоқда. «Шуҳрат» медали соҳиби, спорт устаси Пўлат Омонқулов раҳбарлигидаги спорт тўгарагларига 40 нафар ўқувчи қатнашиб, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда яхши натижаларга эришишмоқда. Ўқувчиларнинг бадиий гимнастика, дзюдо, курашдаги ютуқлари, айниқса, таҳсинга лойиқ. 7-синф ўқувчиси Моҳичеҳра Амирова Германияда бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақада иштирок этиб қайтди.

Ўтган йили мазкур илм маскани «Кийиниш маданияти бўйича энг намунали мактаб» кўрик-танловида вилоятдаги 95 та мактаб ичида ғолибликни қўлга киритди. Бир сўз билан айтганда, жамоанинг асосий мақсади — ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган.

Абдурасул ПАРДА

Суратларда: *мактаб ҳаётидан лавҳалар.*

Муаллиф олган суратлар.

Баркамол авлод орзуси

ЁШ ОИЛАЛАРГА ТУҲФА

Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ, Фарғонадаги Авиасозлар шаҳарчасида бунёд этилган барча қулайликларга эга иккита кўпқаватли уй фойдаланишга топширилди. Дастур доирасида Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари ҳамда Олтиариқ туманида ҳам ёшлар учун янги турар-жойлар бунёд этилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

ЁШЛАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Ғиждувон туманидаги кончилар шаҳарчаси — Зафарободда спортга ихтисослашган замонавий ёшлар маркази иш бошлади.

— Бу иншоот, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Ўткир Алимов, — Навоий кон-металлургия комбинатининг шу ҳудуддаги 5-кон руда бошқармаси томонидан қурилди. Энди бу ерда кончиларнинг фарзандлари спортнинг ўндан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

(Ўз мухбиримиз)

✓ Огоҳликка даъват

АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

ёки «Тортадурман жабрини...» спектаклидан кейинги ўйлар

«Кўрмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини, Кўрсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим жабрини...»

Ҳа, қўшиқда айтилганидек, одамлар, айниқса, баъзи ёшларга хос ношукурлик, бесабрлик оқибатида ҳоюҳавога берилиш, алданиш ҳолатлари бўлиб туради. Айрим фирибгар, фақат ўз манфаатини кўзловчи кимсалар эса айнан шундайларнинг бўш-баёвлигидан фойдаланиб, одам савдосига қўл урмоқда. Фалсафа фанлари доктори Тилаб Маҳмудов билан Республикада хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудова шу мавзуни қаламга олгани бежиз эмас. Бу — долзарб мавзу, халқаро ҳамжамиятнинг дардига айланган. Шу маънода, «Тортадурман жабрини...» спектакли Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасида қўйилиши муҳим, албатта.

Томоша суд саҳнаси билан бошланади. — Прокурорга сўз берилганда, у жиноят курсисида ўтирган Ойсара қизи билан куёви ҳамда икки гумаштани ёнига олиб, хавфли гуруҳ тузгани, ёш қизлар савдоси билан шуғулланиб келганини баён қилади. Гувоҳлар чақирилади. Автобус ҳайдовчиси Акбаров жиноятчи Аҳаднинг сўзига кириб ўз машинасида 5-6 нафар қизни айтилган манзилга элтиб қўйганини тан олади.

Саҳна кўриниши ўзгариб, хонада Ойсара билан Аҳад пайдо бўлади.

— Опажон, «қўл учи» камайиб кетаяпти! — дейди Аҳад.

— Эй, шукр қил, осон бўлмаяпти. Ахир паспорт, виза, қиз топиш, яна ҳужжат тўғрилашга бир ярим минг «кўк»и дегандек...

Ойсара бўш келмайди. Аёл макри қирқ туяга юк бўлади. Муҳими, Дубай савдосига тортилган қизларнинг оҳори тўкилмаган бўлиши керак.

Яна суд жараёни. Айбловчи тинтув пайтида Ойсаранинг уйидан 120 нафар қизнинг тилхати топилганини маълум қилади. Саҳна кўриниши ўзгариб, воқеа ривожланиб боради. Институт талабаси Эркиной билан ўқишга киролмай қолган дугонаси ўртасидаги ўзаро суҳбат. Дугона дилкаш, меҳрибон, ширинсўз бир аёл билан танишгани, унинг суҳбатидан «мўмай даромад» ҳиди келаётганини айтади. Эркинойнинг отаси касалманд, у шунга куюнади. Кейин қизлар Ойсарага дуч бўлади. Хорижга чиқиш учун беш минг доллар зарур, буни эшитган Эркинойнинг онаси Ойсарага ялиниб-ялворади, бир амаллаб уни кўндиради. Ва бокира қизини қўшқўллаб фирибгарнинг қўлига тутқазади.

— Биз сенларни унча-мунча жойга жўнатмаймиз. Ишлайман десанг ишлайсан, тишлайман десанг тишлайсан. Истаганча сайру саёҳат, фақат итоат керак. Мана, куёвим Овропада, бир йилда бир келади. Топиши яхши. Қўша-қўша машина, уй-жой. Соатига 60-70 «кўк»идан топгач, шундай яшайди-да!

Афсуски, ширин ёлғон ортида аччиқ ҳақиқат яширин эканини онаизор кейин билади. Қизлар дом-дараксиз кетади. Она эса «тиқ» этса эшик қараб азоб чекади. Отаси розилик бермаган, у йўл қараб оламдан ўтади. Сотилган қизлар эса талвасада, зўрлик ва қуллик азоби нима экани уларнинг кўз ёшлари орқали очиб берилади.

Суд жараёнида одам савдосига қарши курашиш комиссияси вакили хорижда бўлганини, қизлар қандай аҳволга тушганини, Эркиной ўзини осиб қўйганини айтганда, томошабин ларзага тушади. Жиноятчи гуруҳ устидан ҳукм ўқилиши олдидан прокурор сўз олиб, Ойсаранинг куёви «СПИД»га мубтало эканини айтади. Шунда Ойсара билан қизи куёвга ёпишиб кетади. Ҳатто шундай фирибгарлар ҳам бундай мунофиқликка чидай олмайди. Буни муаллифлар юракдан ўтказиб, ҳаётий талқин қилган.

Яхшилик қилган яхшилик топгуси, ёмонлик қилган ёмонлик топгуси, дегани шу бўлса керак. Асар бирон-бир томошабинни бефарқ қолдирмаслиги табиий.

— *Томошадан қаттиқ таъсирландим, — дейди* Тошкентдаги Баровский номли тиббиёт коллежи талабаси Д.Аҳмаджонова. — *Енгил-елпи ҳаёт яхшилик олиб келмайди. Ҳалол меҳнат қилиш, сабр-қаноатли бўлиш керак. Бу спектаклда ўз ифодасини топган. Эркиной ва унинг онаси тақдири одамни ўйлантиради.Асар тили бошқа, дили бошқа кимсалар қутқусидан эҳтиёт бўлишга ундайди. У биз, ёшларга сабоқ бўлиши табиий.*

Юз эшитгандан бир кўрган афзал. Томошабинлар одам савдосига оид асарни кўргач, соғлом хулоса чиқармоқда. Зеро, одам савдоси ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Билиб-билмай шу балога йўлиққанлар кўпчиликни ташкил этади. БМТ маълумотига қарағанда, йилига 2,7 миллион киши шу жирканч жиноят қурбонига айланмоқда. Шу боис мамлакатимизда бу балога қарши кураш кескин тус олган. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун унга асос бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори унинг изчиллигини таъминламоқда.

Театрдан чиққач, мана шулар ҳақида ўйладим. Инсон ҳаёти гулга ўхшайди, уни паймол этиш қанчалик осон эканини юқорида кўрдик. Аммо иймон-эътиқод билан яшаш, ҳалол меҳнат билан ҳаётда нурли из қолдириш осон эмас! Шунинг учун ҳам биз мудом эл-улус ишига сафарбар бўлган улуғ момоларимиз ва боболаримиз ҳаётига доимо ҳавас билан қараймиз. Покликда ҳикмат кўп, ҳалолликда ҳикмат кўп...

Мирзо АНВАР

✓ Ўтмишдан ҳикоялар

ҚАҲАТЧИЛИК

Бир вақтлар Кўкалдош мадрасаси орқасида катта бозор бўлар эди. Атрофида қатор чойхоналар. Бозорда молини ўтказган одам чойхонага кириб чойхўрлик қиларди. Бир куни қизиқ воқеа бўлган. Дадам иккита нон олиб келиб, қанд-курс солинган патнисга ушатди. Кун совуқ эди. Нонни чойга ботириб, ея бошладик. Кўз очиб-юмгунча нон тугади. Шунда дадам иккинчи нонни ушатди. Бир бурдадан тегдимийўқми, унинг ҳам чўғи учди. Дадам ҳайрон, менга тикилади. Мен эса у қишига. Бир вақт қарасак, амакимнинг чопони енгида нон кўриниб турибди.

— Ука, бу нима қилиқ, нега нонни енгингга тиқиб олдинг? Бунақада барака қолмайди-ку! Савдода тушумга, дастурхонда кўпчиликнинг ризқига кўз олайтириш гуноҳ! — деб дашном берди дадам. Амаким шолғомдай қизариб кетди.

— Иссиққина турсин деб шундай қилдим, — деб ўзини оқлаган бўлди, кейин енгидан нонни олди. Не кўз билан кўрайки, фақат нон эмас, қанд-курсни ҳам енгига жойлаб олган экан.

— Қандни ҳам иситмоқчимидинг? — деди дадам. — Уялмайсанми?!

— Тўймай қоламан деб қўрқдим, — деди амаким ва айбига иқрор бўлди.

— Болалар сендан шуни ўрганадими? — деб дадам уни изза қилди. — Бисмилло деб тамадди қилсанг, тўясан! Бўлмаса, нафс ҳар кўйга солади, юзи қора қилади!

Шундан буён қачон амаким билан кўришсак, ўша воқеани эслаб кулишамиз, тўкин-сочин кунларга етказгани учун шукр қиламиз.

НАСИБА

Молимизни сотиб бўлгач, одатдагидек, чойхонага кирдик. Иккита нон билан узум олиб, дадамнинг олдига, дастурхонга қўйдим, кейин бориб чой дамлаб келдим. Қарасам, патнисда нон қолмапти.

Ҳайрон бўлиб:

— Дада, нон қани? — деб сўрадим. Дадам:

— Ана, меҳмон еяпти, — деб кулимсиради.

Боя келиб, салом-алик қилиб, дадамнинг ёнига ўтирган маҳалладошимиз бир нонни қўлтиғига қистирган, бирини майда чайнаяпти. Мен унинг қўлтиғидаги нонни олдим. У ўкрайди.

— Инсоф борми, ака, биз ҳам очмиз, биздаям нафс бор! — дедим унга.

— Отангнинг қўли очиқ экан, сен бўлсанг, қизғанчиқ! — деди у, сўнг ўрнидан туриб нари кетди.

— Бечорага раҳмим келди, — деди дадам. — Ондан олинг деб мулозамат қилдим. Оч экан-да, бирдан чанг солди. Вақтида келмасанг. эрталабки насибадан қуруқ қолармидик!

Дадам кулиб қўйди.

— Бунақа одам мулозаматни биладими!

— Хафа бўлма, ўғлим, насибаси қўшилган экан!

Чой устида дадам ғарибу мискинларга мурувватли, саховатли бўлиш хайрли эканини айтди.

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 23.20
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda